



## СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Хидиров Темур Қаҳрамон ўғли -**

Тошкент давлат иқтисодий университетининг,  
1-босқич таянч докторанти

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a45](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a45)

**Аннотация.** Ушбу мақолада республикамиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш, кластер тизимининг иқтисодий самарадорлиги, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини амалиётга татбиқ этиш йўллари, сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кластер тизими, сутни қайта ишлаш, иқтисодий самарадорлик, хорижий тажриба, такомиллаштириш, инновация.

## ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ МОЛОКОПЕРЕРАБАТЫВАЮЩИХ ПРЕДПРИЯТИЙ НА БАЗЕ КЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЫ

**Хидиров Темур Қаҳрамон ўғли -**

Ташкентский государственный экономический  
университет, докторант первого курса

**Аннотация.** В данной статье разработаны научно обоснованные рекомендации по развитию молокоперерабатывающих предприятий страны на основе кластерной системы, экономическая эффективность кластерной системы, пути внедрения опыта развитых стран, пути повышения экономической эффективности и улучшения качества молока на перерабатывающих предприятиях.

**Ключевые слова:** кластерная система, переработка молока, экономическая эффективность, зарубежный опыт, совершенствование, инновации.

## WAYS TO INCREASE ECONOMIC EFFICIENCY THROUGH DEVELOPMENT OF MILK PROCESSING ENTERPRISES ON THE BASIS OF CLUSTER SYSTEM

**Khidirov Temur Kahramon o'g'li -**

Tashkent state university of economics,  
first-year doctoral student

**Annotation:** This article develops scientifically based recommendations on the development of milk processing enterprises in the country on the basis of a cluster system, the economic efficiency of the cluster system, ways to implement the experience of developed countries, ways to increase economic efficiency and improvement of milk processing enterprises.

**Keywords:** cluster system, milk processing, cost-effectiveness, foreign experience, improvement, innovation.

**Кириш.** Жаҳон миқёсида тарқалган COVID-19 коронавирус пандемиясидан сўнг, дунё мамлакатларида энг бирламчи эҳтиёж сифатида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кескин даражада ортиб кетди. Бунга сабаб пандемия шароитида аҳолининг уйдан чиқмай яшаганлиги бўлиб, саломатлигини асраш мақсадида янги тартиблар жорий этилганлиги айнан истеъмол қилинадиган маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиб кетишига сабаб бўлди.

Жумладан, сут ва сут маҳсулотлари бугунги кунда халқ истеъмолининг энг асосий бирламчи маҳсулотларидан бири саналади. Ривожланган давлатларда ҳам сут маҳсулотларини қайта ишлаш, сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш, сутчиликка ихтисослашган сут саноати корхоналарида инновацион бошқарувга асосланган янгича ёндашувлардан самарали фойдаланиш

орқали сутни қайта ишлаш корхоналари иқтисодий бақарорлигини оширишга эришиб келмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизда 2020-2030 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясининг ишлаб чиқилганлиги ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган янги имкониятлар эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида кўра, қуйидагилар стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш,

талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқаруving замонавий тизимларини ривожлантириш;

фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга қўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш [1] каби устувор масалалар келтириб ўтилган.

Бундан кўринадики, мамлакатимиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш, корхоналардаги

мавжуд технологиялар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда кластер тизими иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, иқтисодий муносабатларда шаффофликни таъминлашда муҳим ўрин тутуди.

Сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантиришнинг аҳамияти шундаки, у ўз атрофида бир нечта қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий, техник-технологик, инновацион ва меҳнат ресурсларини бир жойга мужассам этган ҳолда ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини таъминлаш имкониятини вужудга келтиради.

Бу эса ўз навбатида, корхоналарнинг иқтисодий самардорлиги юқори даражада ортишига хизмат қилади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасида кластерларни ташкил этиш, сутни қайта ишлаш, агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, кластерларни ривожлантириш борасида қўллаб-қўриқлик олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Жумладан, агроозиқ-овқат маҳсулотларини кластерлаш борасида хорижий тадқиқотчилардан бири Е.Иванова ёндашувига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кластер тизимини ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш борасида қуйидаги илмий ёндашувлар таъкидлаб ўтилади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар етиштиришда кластер сиёсатидан самарали фойдаланиш, кластер сиёсатини юритишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кластер фаолиятини ривожлантириш институтлари функцияларини бажарувчи ташкилий тузилмалар ўртасида шаффофликни таъминлаш, иқтисодий агентлар ўртасидаги ишонччи юқори даражага олиб чиқиш, қишлоқ хўжалигидаги глобаллашув жараёнларини такомиллаштириш, ҳудудий логистика марказларини ташкил этиш, қўллаб-қўриқлик фермер хўжаликларини инновацион фаолият билан боғлаш ҳамда ишлаб чиқаришни кластер тизими асосида ташкил этиш масалалари баён этилган.

Қолаверса, олимнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кластер тизимини ривожлантиришнинг стратегик истиқболга кўра, қуйидаги афзалликларга эришиш имконини беради. Жумладан, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро самарадорликни ошириш ҳамда агроозиқ-овқат кластерларининг даромадларини кенгайтириш, ҳудудий бюджетни ошириш ва ягона товар белгисидан фойдаланиш имкониятларини юзага келтиради. Маҳсулотларини сотиш, трансферт

нархлари механизимидан фойдаланиш кластер иштирокчиларининг умумий харажатларини камайтиришга қўмаклашади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ортиб бориши таъминланади [3].

Е.Карпичевнинг илмий изланишларига кўра, корхоналар ўртасида кластерларнинг инновацион ҳамкорлик даражасини баҳолаш, кластер кооперацияларининг иқтисодий тамойилларини аниқлаш, кластер ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва ўртача ўсиш суръатларини аниқлаш, миллий sanoat кластерларининг инновацион фаолиятларини иқтисодий-математик жиҳатдан баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари тадқиқ этилган. Қолаверса, sanoat кластерларининг инновацион жиҳатдан самарадорлик омиллари, миллий sanoat кластерларининг статистик текширувлари, кластер субъектларининг бирлашиши, инвестицияларнинг самараси, кластерларнинг ўсиши ва кластер ташаббуслари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, кластерларнинг иқтисодий ривожланишида ҳамкорлик алоқалари ҳал қилувчи роль эканлиги, ҳудудлардаги sanoat кластерларининг ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш, sanoat кластер субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни таҳлил қилиш, кластер субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни очиб бериш, ички иқтисодий оқимларнинг ҳажмини ошириш орқали рақобатбардошликнинг ўсиши ва sanoat кластер субъектларининг истиқболли институционал тузилмасини ишлаб чиқиш, кластерларнинг инновацион ҳамкорлигини самарали бошқариш омилларини аниқлаш ва кластерларнинг инновацион ривожланиши асосий кўрсаткичлари олимнинг илмий изла-нишларида баён этилган бўлиб, унинг олиб борган тадқиқотларидан кластерларнинг ривожланиши корхоналар ўртасидаги иқтисодий самарадорликни ошишини таъминлашга хизмат қилиши асослангириб берилди [4].

П.Мухсинованинг тадқиқотларига кўра, sanoat соҳасида кластерлар шаклланишининг назарий жиҳатлари ва хусусиятлари, кластерлар ривожланишининг асосий омиллари ва тамойиллари, минтақадаги кластерлар ривожланиши таҳлили, ҳудудлардаги энгил sanoat кластерларининг ҳолати, sanoat кластерларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, кластерларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, энгил sanoatда кластерларнинг иқтисодий самарадорлиги, минтақавий кластерларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари, кластер орқали ички иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг устувор вазифалари, кластер ёндашу-

ви иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий таркибига қўмаклашиши, кластерни ривожлантириш минтақавий ривожланишнинг асоси эканлиги, кластерлар меҳнат унумдорлигини ошириши, кластерларни ривожлантириш орқали харажатларни минималлаштириш, кластер тизимидаги ички хизматларни ривожлантириш, кластерлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари, кластер фаолияти самарадорлигини белгилаш, энгил sanoat корхоналарида кластер қўламини кенгайтириш, минтақавий энгил sanoat кластерларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишининг устувор йўналишлари, минтақавий энгил sanoat кластерлари самарадорлигини ошириш йўллари, кластер маҳсулотларининг ҳудудлараро ҳаракатланиши ҳамда кластер фаолияти орқали ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий жозибадорлигини ошириш каби бир қатор долзарб бўлган масалалар баён этилган бўлиб, уларнинг асосида кластерни ривожлантириш орқали энгил sanoat корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласига эътибор қаратилганлиги таъкидлаб ўтилган [5].

Ўзбекистонда ҳам кластер тизимини ривожлантириш бўйича кўплаб аграр-иқтисодчи олимларимиз томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, И.С.Очилов ва Б.К.Абдумуниновлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, инновацион кластерни шакллантириш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг кластер тизимида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ҳукуматимиз томонидан жадаллик билан олиб борилаётган ислохотлар олдида турган асосий вазифаларни ҳал этиш зарурлиги билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги шароитда инновацион фаолият Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Ушбу омилдан самарали фойдаланиш мамлакатимизда кластер тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир.

Кластерларнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги, уларнинг иштирокчилари йўналишлари бўйича тақсимланади: бошқа тармоқлардан келадиган янги ишлаб чиқарувчилар илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириб ва янги стратегияларни таъминлаб, ривожланиш жараёнини тезлаштиради; ўзаро эркин ахборот алмашинуви юзага келади, янгиликлар истеъмолчи ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг каналлари бўйича тез тарқалади; кластер ичидаги ўзаро алоқалар рақобатда янги имкониятлар пайдо бўлишига олиб келади; инсон капитали, илмий ғоялари ривожланиши ва ишлаб чиқа-

ришга жорий этилишига янги имкониятлар яратиб бериши орқали кластер тизимини ривожлантириш корхоналардаги иқтисодий самарадорликни оширишини кўрсатиб берган [6].

Т.Т.Жўраев ва М.Э.Ҳамидовлар томонидан олиб борилган изланишларда, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиётида агросаноат кластерларининг тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишлари келтирилган. Жумладан, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада самарадорлик ва рақобатбардошликни таъминлай олмаётган ҳозирги даврда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш янги иқтисодий тузилма – “кластер”ларни жорий этишни тақозо этади. Кластерлар нафақат иқтисодиётнинг реал сектори, тармоқ ва соҳаларини, балки ижтимоий соҳа (таълим, фан)ларни қамраб олади. Кластерлар ташкилий-иқтисодий шаклига кўра икки тоифага ажратилади:

- аниқ бир турдаги пировард товар (хизмат)ни ишлаб чиқаришда қатнашувчи вертикал ва горизонтал боғлиқликда жойлашган корхона ва хўжаликларни ўз ичига олган кластерлар;

- географик нуқтаи назардан бир-бирига яқин жойлашган, ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқ бўлган компания, корхона, муассаса ва ташкилотлар мажмуини ўз ичига олган кластерлар бўлиб, кластернинг ҳар иккала шаклида унинг таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини йўқотиб, фақат ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мустақиллигини сақлаб қолади.

Эркин иқтисодий зоналар, инновацион марказ (технополис)лар, логистика марказлари, эркин илмий-техникавий зоналар, илмий ишлаб чиқариш марказлари кластер тизимини ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитлари ҳисобланади.

Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб, фермер хўжаликлари фаолиятини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга ёрдам беради. Агросаноат кластерлари мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг “драйвери” вазифасини бажаради. У қўшимча қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда алоҳида корхоналарнинг рақобатдаги устунлигини кучайтиради. Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳамда мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлик даражасини оширишнинг инновацион йўлларида бири эканлигини асослаб беради [7].

Юқорида келтирилган хорижий ва маҳаллий аграр-иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида, асосан, қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш, кластерлар-

нинг иқтисодий жиҳатдан саноатни бирлаштирувчи самарали иқтисодий тушунча сифатида қаралиши, енгил саноат корхоналарининг кластер тизими асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш, кластер тизимининг иқтисодий ва инновацион жиҳатлари ҳамда такомиллаштириш масалалари ўрганилган бўлиб, сутни қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етарлича ўрганилмаган.

Бизнинг тадқиқотларимизда, айнан, сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида модернизациялаш, хусусан, мамлакатимизда саноатнинг сутчилик йўналишини кластер тизими асосида такомиллаштириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилиш асосида уни янада ривожлантириш бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилган.


**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасида кластер муносабатларни ривожлантириш бўйича илмий ғоялари, назарий-амалий қарашлари хизмат қилди. Бундан ташқари тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, статистик таҳлил, кузатув ва қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш ҳамда илмий умумлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилган. Мавжуд методологик ёндашувларга таянган ҳолда, биз мамлакатимиздаги йирик сутни қайта ишлаш корхоналарини ўрганиш асосида олиб борган таҳлил ва хулосалардан кенг фойдаланганмиз.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, муҳтарам Президентимиз томонидан бу борада бир қатор фармонлар қабул қилиниб, соҳани ривожлантиришда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли ҳамда 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли фармонларида [2] қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда замонавий кооперация муносабатларини кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймати занжири яратилишини рағбатлантириш;

агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш борасида кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда агрокластерларни ташкил этиш, хусусан, сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд бўлиб, олиб борилган тадқиқотимиз доирасида агробизнес соҳасини ривож-

лантиришга қаратилган замонавий агробизнес кластер тизимини сутни қайта ишлаш корхоналарига ҳам татбиқ этиш сутни қайта ишлаш корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг замонавий йўлларида бири ҳисобланади. Қуйидаги 1-расмда агробизнес кластери кўрсатиб ўтилган.



1-расм. Агробизнес кластери [8]

Расмдан кўриниб турибдики, агробизнес кластерида, асосан, давлат ҳукумати ва донорлик агентликлари ҳамда таълим, тадқиқот ва савдо операциялари ўзаро ҳамкорлиги ташкил этилган бўлиб, расмнинг чап томонида кўрсатилган омиллар агробизнес кластери ривожланишига хизмат қилади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- уруғ кўчатлари;
- ўғитлар, инсектицидлар, гербицидлар;
- қишлоқ хўжалиги техникаси;
- сақлаш жойлари;
- суғориш технологияси.

Улар биргаликда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кластерларга етказиб берилади, ундан сўнг саноат кластерлари томонидан харидор ёки истеъмолчига етказиб берилиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан кўринадики, барча кўрсатиб ўтилган омиллар бир-бирини ўзаро тўлдирувчи омиллар ҳисобланиб, уларнинг ривожланиши агробизнес кластерининг яхлит тизим сифатида ривожланишини таъминлайди.

Расмнинг ўнг томонида кўрсатилган омиллар бевосита агробизнес кластерига таъсир кўрсатувчи жараёнлар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- экинларни қайта ишлаш ускуналари;
- транспорт тизими;
- қадоқлаш хизматлари;
- жамоатчилик муносабати ва реклама;

- ихтисослашган нашрлар;

- молиявий хизматлар.

Бу жараёнлар, асосан, агробизнес кластерини такомиллаштиришга қаратилган ўзаро боғланган жараёнлар ҳисобланади.

Бундан кўринадики, агробизнес кластерларини ривожлантиришни юқорида кўрсатиб ўтилган иккита муҳим бўлган мезонлар ташкил этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кластер тизимининг янги модели агробизнес соҳасини ривожлантиришда қўлланилган бўлиб, ушбу моделни сутни қайта ишлаш корхоналарига ҳам татбиқ этиш янги имкониятларни яратиб беради.

Чунки янги модель кластер тизимини ривожлантиришга қаратилган барча омил ва жараёнларни ўз ичига олган бўлиб, иқтисодий самарадорликнинг юқори даражада ўсишини таъминлайди. Натижада эса сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган инновацион кластер тизими жорий этилади. Бу янги модель орқали ривожлантиришга қаратилган замонавий ёндашув сутни қайта ишлаш корхоналаридаги иқтисодий самарадорликни оширишнинг биринчи йўли ҳисобланади.

Кластер тизимидан самарали фойдаланиш орқали, сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида, олиб борилаётган тадқиқотларимиз доирасида

қуйидаги диаграммани ишлаб чиқдик. Ушбу диаграммада кластер тизимининг самарали ишлашига таъсир этувчи омиллар кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу омиллардан самарали фойдаланиш сутни қайта ишлаш корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Диаграммадан кўринадики, кластер тизимининг сутни қайта ишлаш корхоналарида самарали ишлаш омиллари қуйидагиларни таш-

кил этади. Биринчидан, корхоналараро интеграция тизимини жорий этиш бўлиб, бундан асосий мақсад корхонлар ўртасида ўзаро кластер тизими асосида яхлит ҳамкорликни ташкил этиш ҳисобланади. Яхлит ҳамкорлик иқтисодий муаммоларнинг бартараф этилишини таъминлайди. Иккинчидан, янги ташаббусларни йўлга қўйиш кластер тизимини ривожлантирувчи энг асосий омил саналади.



**1-диаграмма. Кластер тизимининг сутни қайта ишлаш корхоналарида самарали ишлаш омиллари**

*Манба:* муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Янги ташаббуслар иқтисодий харажатларни камайтириб, самарадорликни оширади. Учинчидан, инновацион технологияларни қўллаш қайта ишлаш сифатини оширишга ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига кўмаклашади. Тўртинчидан, қайта ишлаш имкониятларини ошириш сут маҳсулотлари турининг кўпайиши ҳамда янги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Бешинчидан, халқаро тажрибаларни татбиқ этиш кластер тизимини такомиллаштиради. Олтинчидан, харажатлар оқимини камайтириш эса фойданинг максимал даражада ошишини таъминлайди.

Натижада эса сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизими мустақкам ва барқарор даражада ривожланишга эришади. Бу эса иқтисодий самарадорликнинг юқори суръатларда ўсишига имконият яратиб беради, айнан мана шу тизим сутни қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг иккинчи йўли ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сутни қайта ишлаш йўналишида фаолият юритаётган

корхоналарни кластер тизими асосида ривожлантиришда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд, жумладан:

сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизимидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тизим шаклланмаган. Масалан, Германия давлатида сут саноати тизими мавжуд бўлиб, бизда эса сутни қайта ишлаш саноат даражасида ривожланиш кўрсаткичига эга эмас;

маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича агрологистика марказлари ташкил этилишига қарамасдан, сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизими ривожланмаётганлиги, фақатгина чорвачилик ва сутни соғиб олиш бўйича фермер хўжаликлари ва йирик корхоналар фаолият юритаётганлиги бу тармоқнинг такомиллашмаётганлигини кўрсатиб беради;

уй хўжаликлари шароитида сутни қайта ишлаш ва кластер тизимида ривожлантириш бўйича кичик корхоналар ташкил этилмаётганлиги, фақатгина йирик корхоналар фаолияти билан чекланиб қолинганлиги натижасида

тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги ҳамда тармоқнинг монополлашувига олиб келмоқда;

сут маҳсулотлари бўйича кластер тизимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва бошқа йирик корхоналар ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг етарли даражада мукамал эмаслиги ва уни такомиллаштириш зарурлиги ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу боис сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер фаолиятини самарали бошқариш, таркибидаги хўжалик ва тузилмалар ишини мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги бўлимлар бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз, марке-

тинг ва маҳсулотни сотиш бўлими, реклама ва креатив лойиҳалар бўлими, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш бўлими, ресурслар таъминоти ва хизмат кўрсатиш бўлими, илмий таъминот ва инновацияларни жорий этиш бўлими ҳамда молиявий ҳисоб-китоблар бўлимларини ташкил этиш лозимдир.

Олиб борилган тадқиқотларимизга кўра, сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида 2022-2026 йиллар давомида сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқдик. Прогноз кўрсаткичлари қуйидаги 1-жадвалда акс эттирилган.

**1-жадвал**

**Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари**

Маҳсулот	Ўлчов бирлиги	Модель ва сценарий	Прогноз кўрсаткичи				
			2022	2023	2024	2025	2026
Сут ва сут маҳсулотлари	минг тонна	ARIMA(0,1,0) (Оптимистик)	630,43	650,80	671,16	691,53	711,89
		ARIMA (2,1,1) (Ўртача)	618,02	632,88	647,86	662,87	677,90
		ARIMA(1,1,0) (Пессимистик)	600,03	602,11	603,28	603,93	604,30
шу жумладан:							
пишлоқ ва бринза	минг тонна	ARIMA (3,1,1) (Оптимистик)	13,36	11,88	11,54	12,84	14,12
		ARIMA(1,1,0) (Ўртача)	11,58	11,69	11,73	11,75	11,75
		ARIMA (1,1,2) (Пессимистик)	11,73	11,66	11,63	11,61	11,60
болалар озуқаси учун қуруқ сут қоришмаси	тонна	ARIMA(1,1,3) (Оптимистик)	61,44	64,29	65,77	66,54	66,94
		ARIMA(2,1,0) (Ўртача)	56,52	57,25	57,79	57,90	57,77
		ARIMA(1,1,0) (Пессимистик)	54,79	54,01	53,52	53,22	53,04
музқаймоқ	минг тонна	ARIMA(4,1,2) (Оптимистик)	21,77	23,06	25,54	23,55	23,53
		ARIMA (2,1,2) (Ўртача)	17,79	16,43	17,91	16,52	17,94
		ARIMA(1,1,3) (Пессимистик)	17,67	17,21	17,07	17,03	17,02

*Манба: муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.*

Прогноз кўрсаткичларидан кўриш мумкинки, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш оптимистик сценарийга кўра, жадал суръатлар билан ўсиб, 2026 йилда 2020 йилги ҳажмидан 20,7 фоизга ортади. Сут маҳсулотлари ҳажми ўртача сценарий бўйича 15,0 фоиз ва пессимистик сценарий бўйича 2,5 фоизга ортади. Бунда пишлоқ ва бринза ишлаб чиқариш оптимистик сценарий бўйича 37,1 фоизга, ўртача сценарий бўйича 14,1 фоизга ва пессимистик сценарий бўйича 12,6 фоизга ортади. Болалар озуқаси учун қуруқ сут қоришмаси ишлаб чиқариш оптимистик сценарий бўйича 15,2 фоизга ортиб, ўртача

ва пессимистик сценарийлар бўйича мос равишда 0,6 ва 8,7 фоизга камаяди.

Музқаймоқ ишлаб чиқариш оптимистик ва ўртача сценарийлар бўйича мос равишда 34,5 ва 2,5 фоизга ортиб, пессимистик сценарий бўйича 2,7 фоизга қисқаради.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари қайта ишлаш саноати корхоналаридаги мавжуд кластер тизимларини иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорлик келтиришини ҳамда сут ва сут маҳсулотларини 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичларининг

юқори суръатларда ўсиб боришини аниқлаб беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юқори даражада инновацион-иқтисодий самара берадиган кластер фаолиятини ташкил этиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш учун унда фаолият кўрсатувчи интеллектуал салохиятли кадрларни танлаш ва ҳар бир лавозимга тажрибали мутахассис ходимларни тайинлаш ҳамда келгусида уларни мунтазам равишда малякасани ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини оширишда қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак, деб ҳисоблаймиз, жумладан:

- сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини оширишда янги тадқиқотларни амалга ошириш;

- хорижий давлатлар тажрибасидаги инновацион янгиликларни кенг жорий қилиш орқали иқтисодий самарадорликнинг барқарор ўсишини таъминлаш;

- кластер фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришда барча ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш босқичларида тенг адолатли ўзаро фойдалилик тамойилларига асосланган яхлит ҳамкорлик тизими жорий этиш;

- иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган инновацион лойиҳа ва ривожланиш стратегияларини амалиётга татбиқ этиш;

- сутчилик уюшмасини ташкил этиш бўйича асосланган таклифларни қонун ҳужжатларига киритиш;

- иқтисодий самарадорликни оширишда корхоналардаги харажатларни минималлаштириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда КРІ баҳолаш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Юқорида келтирилган тавсиялар амалиётга жорий этилиши натижасида сутни қайта ишлаш корхоналарида кластер тизимини ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлигини оширишнинг янги имкониятлари юзага келади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5708-сонли фармони.
3. Иванова Е.В. *Формирование и развитие агропродовольственных кластеров в условиях политики импортозамещения. Диссертация.* – Мичуринск, 2018 йил.
4. Карпичев Е.В. *Механизмы управления инновационной кооперацией субъектов промышленных кластеров. Диссертация.* – СПб., 2019.
5. Мухсинова П.Аб. *Развитие легкой промышленности региона на основе кластерного подхода (на материалах Согдийской области Республики Таджикистан). Диссертация.* – Душанбе, 2020.
6. Очиллов И.С., Абдумуминов Б.К. *Кластер тизимида инновацион самарадорлик масалалари.* // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2-сон, март-апрель, 2019 йил. 1-бет.
7. Жўраев Т.Т. ва Ҳамидов М.Э. *Ўзбекистонда агросаноат кластерларининг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни.* // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 2-сон, апрель, 2019 йил. 3-бет.
8. Raj Nallari and Breda Griffith. *Clusters of Competitiveness. The world bank. 2013. C. 111.*